
64 НАФАР ФУРҚАТЛИК ЁШЛАР ҲАМДА АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИГА МЕҲНАТ ҚУРОЛЛАРИ ТАРҚАТИЛДИ

Фурқат туманида аҳоли, айниқса ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар изчилик билан давом эттирилмоқда. Секторлар раҳбарларининг "Темир дафтари"га киритилган аҳоли вакиллари билан тизимли ишлаш, уларга даромад манбаига эга бўлишларида кўмаклашиш мақсадида олиб борилаётган ишларнинг давоми сифатида бугун 20 та, қиймати 88.4 млн. сўм бўлган инкубатор аппарати тарқатилди. Бундан ташқари "Ёшлар дафтари"да бўлиб турган 18 ёшдан 30 ёшгacha бўлган 44 нафар ёшларга умумий қиймати 92 млн. сўм бўлган 10 та инкубатор, 13 та пайвандлаш аппарати, 12 та моторли арра, 9 та мини печлар беғараз тарқатилди.

Шунингдек, туман ҳокими бошчилигида тадбиркорлар марказида тренинг ташкилланди. Тренингда видеодарслар орқали инкубатор аппаратидан самарали фойдаланиш, қисқа муддатда даромадга эга бўлиш хусусида сўз юритилиб, ҳар бир инкубатор аппарати билан таъминланган аҳоли вакиллари кооперация йўли билан тумандаги йирик паррандачилик корхоналарига бириктирилди.

Бу каби ишларни ташкиллашдан кўзланган асосий мақсад - аҳоли, айниқса, ёшларни доимий даромад манбаига эга бўлиши ва шу орқали муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратишдир.

2021-12-29 23:35:34